

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ*

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“Бошқарув” факультети

“Ишлаб чиқаришда бошқарув” кафедраси

“Қурилиш иқтисодиёти” фанидан

*Амалий машғулотларни олиб бориш
бўйича*

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



Жиззах – 2009.

Мазкур услубий курсатма «Менежмент» мутахассислиги бакалавриат йўналиши талабалари учун Амалий машгулотлар олиб бориш учун мўлжалланган. Корхонани бошқаришда корхонанинг бизнес оламидаги очик тизим эканлиги, унинг ҳам бевосита, ҳам билвосита ташқи омиллар таъсирида бўлишини тушунган ҳолда, фаннинг намунавий дастурига асосан тузилган.

Институтнинг илмий-услубий кенгаши томонидан тасдикланди
(кайднома № _ _____ 2009 й)
Кенгаш раиси _____ доц. М. Н. Позилов.

ЖизПИ “Бошқарув” факультетининг илмий-услубий кенгаши томонидан
(кайднома № _ _____ 2009 й)
«Тасдикланди» _____ доц. С. Абдуназаров.

«Иктисодиёт ва менежмент» кафедраси йигилиши томонидан (кайднома № _ _____
_____ 2009 й) тавсия этилди.
Кафедра мудири: _____ доц. Т. Эшонкулов

Такризчи: _____ доц. Ж. Бобоназарова.

Тузувчи: _____ к. улит. Ҳодиева З.

Мухаррир: _____ Б. Рашидова.

КИРИШ

Моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги юз бераётган ўзгаришларнинг бугунги босқичида таълим соҳасида сезиларли силжишлар кузатилмоқда. Бу тизим, бутун иқтисодиёт тизими каби янги жиҳатлар, янги йўналишлар, янги ёндашув ва мазмун касб этмоқда. Бозор иқтисодиёти бугунги кунда фаннинг турли соҳаларида чуқур билимга эга бўлган, мустақил ҳисоб-китоблар юрита оладиган, тўғри хулосалар чиқара оладиган ва истиқболни белгилай оладиган малакали мутахассисларга кучли эҳтиёж сезмоқда.

Давлат миқёсида ва хўжалик субъектлари миқёсида амалга оширилаётган инвестиция сиёсатини, унинг устивор йўналишларини яхши тушуниш, капитални янги қурилишга сарфлаш вариантларини, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкция қилишни, фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосида техника ва технологияларининг янги турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишни, ресурслардан фойдаланиш, бошқарув, тадбиркорлик ва бизнесни билиш бугунги кундаги мутахассислар учун жуда муҳимдир. Шунингдек, улар учун иқтисодиёт бошқарувидаги турли миқёсларда ишлаб чиқиляётган турли инвестицион ечимлар ва лойиҳаларни танлаб олиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини билиш ҳам жуда муҳимдир.

Ушбу курсни ўрганиш **объекти** - миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи ҳисобланган қурилиш ва унинг ишлаб чиқариш бўғинлари - қурилиш бошқармалари, трестлар, қурилиш индустриясидаги саноат корхоналари, лойиҳалаш муассасалари ва бошқа уларга тенглаштирилган хўжалик субъектларидир.

Курснинг ўрганиш предмети эса қурилиш ишлаб чиқаришининг ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, шунингдек, бевосита қурилиш корхоналари иқтисодиётига доир масалалар, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва қурилишда бозор муносабатларини шакллантириш вазифаларидир.

Курснинг асосий мақсади - талабаларга қурилиш иқтисодиёти соҳасидаги билимларни бериш, қурилишнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги алоҳида ўрни, инвестициялаш стратегияси ва тактикаси, қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш ва бошқариш, шунингдек, олинган билимлардан хўжалик амалиётида маҳорат билан фойдаланиш, уларни иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларига ҳам амалда татбиқ эта олишни ўргатишдир.

Курснинг асосий вазифалари талабаларга қуйидаги билимларни беришдан иборат:

- иқтисодиётдаги ўзгаришларда ва жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги роли ва ўрни;
- қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг замонавий тизимини, қурилиш жараёни қатнашчиларининг ўзаро муносабатлари
- инвестиция лойиҳалари ва ечимларини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усуллари;
- қурилиш индустриясининг ресурс салоҳиятини ўрганиш ва ундан ресурслар ва вақт омили чекланган шароитларда фойдаланишнинг оқилона йўллари аниқлаш;
- қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари;
- иқтисодиётни бошқаришнинг турли поғоналарида қурилиш ва инвестиция мақсадларни режалаштириш, прогнозлаш, молиялаштириш ва кредитлаш асосларини ўзлаштириш.

1-МАВЗУ. ҚУРИЛИШ – МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ

Режа

1.1. Қурилишнинг хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли

1.2. Қурилишнинг ташкилий шакллари

1.3. Қурилишнинг моддий-техник базаси ва унинг тараққиёт истикболлари

Мавзу бўйича таянч иборалари

Қурилиш. Тайёр қурилиш маҳсулоти. Тугалланмаган қурилиш. Тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқариши. Консервация. Қайтадан бошлаш. Дастлабки қиймат. Қолдиқ қиймат. Саноат қурилиши. Қишлоқ қурилиши. Уй-жой қурилиши. Маданий-маиший қурилиш. Қурилиш комплекси. Қурилишнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари. Инвестор. Буюртмачи. Қурилиш эгаси. Пудратчи. Лойиҳаловчи. Пудрат усулидаги қурилиш. Хўжалик усули. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда (“қулф-калит” гача) топшириш. Танловлар. Қурилишнинг моддий-техник базаси.

Қисқа хулосалар

Қурилиш - моддий ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоғи бўлиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери, техникаси, технологияси ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши ҳамда бошқарув тизими билан фарқ қилади.

Қурилишнинг маҳсулоти ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари бўлиб, улар мамлакатнинг миллий бойлигини ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосини ташкил қилади.

Маҳсулотнинг кўп капитал ва меҳнат талаб қилиши, меҳнат предметлари ва қуролларининг кўчма характери, маҳсулотнинг ишлаб чиқарилган жойда стационар ўрнашган бўлиши, ишчиларнинг касбий таркиби, ишлаб чиқариш циклининг ўзоқлиги ва бошқалар қурилишнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Моддий-техник базанинг етарли бўлиши - қурилишнинг халқ хўжалиги тармоғи сифатида муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун муҳим шартдир. Бунда моддий-техник базанинг қурилиш дастурига нисбатан илдам ривожланиши инвестиция-қурилиш вазифаларини ҳал қилишнинг асосий тамойили ва зарур шартдир.

Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш ишлаб чиқаришининг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш, фан-техника тараққиёти ютуқларига таяниш лозим.

Миқдорий ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, заҳираларни топиш ва уларни сафарбар этиш. қурилишнинг капитал сарфларини ва қурилиш муддатларини камайтириш - инвестицион-қурилиш жараёнидаги барча иштироқчиларнинг муҳим вазифасидир.

Мавзу бўйича таянч иборалари

Қурилиш. Тайёр қурилиш маҳсулоти. Тугалланмаган қурилиш. Тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқариши. Консервация. Қайтадан бошлаш. Дастлабки қиймат. Қолдиқ қиймат. Саноат қурилиши. Қишлоқ қурилиши. Уй-жой қурилиши. Маданий-маиший қурилиш. Қурилиш комплекси. Қурилишнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари. Инвестор. Буюртмачи. Қурилиш эгаси. Пудратчи. Лойиҳаловчи. Пудрат усулидаги қурилиш. Хўжалик усули. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда (“қулф-калит” гача) топшириш. Танловлар. Қурилишнинг моддий-техник базаси.

Муҳокама ва назорат учун саволлар

1. “Қурилиш тармоғи” тушунчасига тўлиқ таъриф беринг. Унинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи миқдорий кўрсаткичларини кўрсатиб беринг.
2. Қурилишнинг тўғри ва тескари алоқаларининг табиатини очиб беринг.
3. У ёки бу объектларнинг қурилиши қандай усуллар билан амалга оширилиши мумкин?
4. Қандай субъектлар капитал қурилиш иштирокчилари бўлиши мумкин?
5. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва ривожлантириш тамойилларини баён қилиб беринг.
6. Тугалланмаган қурилиш объекларини қайси ҳолларда консервация қилинади?
7. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга қандай омиллар таъсир қилади.
8. Замонавий қурилиш жихозлари ва материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатига баҳо беринг.

2-МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ИНВЕСТИЦИОН-ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ИСЛОҲОТЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Режа

2.1. Бозор иқтисодиётининг асослари, хусусиятлари ва бугунги киёфаси

2.2. Бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари ва инвестиция-қурилиш фаолиятида уларни ҳисобга олиш

2.3. Қурилиш иқтисодиётини ислохотлаштиришнинг асосий йўналишлари

2.4 Қурилишни шартнома асосида ташкил этиш

2.5 Капитал қурилишда танлов савдолари

Мавзу бўйича таянч иборалари

Ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. Инвестиция ва қурилиш танлов лойиҳаларини экспертиза қилиш. Капитал қурилиш пудрат шартномаси. Ижро ҳужжатлари. Қурилиш майдони.

Вақтинчалик иншоотлар. Беркитиладиган ишлар. Шартнома нархини бўлиб чиқиш. Жорий молиялаштириш. Танлов савдолари (тендерлар). Бошланғич нарх. Талабгор. Танлов савдолари предмети. Танлов ҳужжатлари.

Қисқача хулосалар

Қурилиш иқтисодиётини ислохотлаштириш умуммиллий иқтисодиётни ислохотлаштиришнинг таркибий қисмидир. Давлат қурилиш иқтисодиётини ислохотлаштиришнинг устивор йўналишларини танлашга имкон беради.

Тармоқ иқтисодиётининг аҳволи ва кўрсаткичлари қурилиш хўжалик юритишнинг тўлиқ бозор механизмларини амалга ошириш бўйича бошқа тармоқлардан анча орқада қолаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, мулк эгалари синфининг шаклланиши суст, йирик хусусий қурилиш фирмалари йўқ, тадбиркорлик фаолияти ҳали керакли суръат ва кўламга эга бўлгани йўқ, қурилиш ташкилотлари (фирмалари) ўртасида ҳали жиддий рақобат ҳам йўқ.

Бугунги кунда хўжалик юритишда тобора мустақил бўлиб бораётган қурилиш мажмуаси ва аввало унинг ишлаб чиқариш бўғинларини қайта қуриш лозим: аввалгидек “юқоридан” буйруқ кутиб ўтириш тамойилларидан воз кечиш, ўз-ўзини таъминлаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш зарур.

Қурилишнинг самарадорлигини ошириш ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантиришни, йирик, ўрта ва кичик қурилиш корхоналари ва ташкилотларини оқилона бирлаштиришни кўзда тутди.

Мавзу бўйича таянч иборалари

Ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. Инвестиция ва қурилиш танлов лойиҳаларини экспертиза қилиш. Капитал қурилиш пудрат шартномаси. Ижро ҳужжатлари. Қурилиш майдони. Вақтинчалик иншоотлар. Беркитиладиган ишлар. Шартнома нархини бўлиб чиқиш. Жорий молиялаштириш. Танлов савдолари (тендерлар). Бошланғич нарх. Талабгор. Танлов савдолари предмети. Танлов ҳужжатлари.

«БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ИНВЕСТИЦИОН-ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ИСЛОХОТЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ»

Режа:

1. Бозор иқтисодиётининг асослари, хусусиятлари ва бугунги қиёфаси
2. Бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари ва инвестиция-қурилиш фаолиятида уларни ҳисобга олиш (30 мин.).

3. Қурилиш иқтисодиётини ислохотлаштиришнинг асосий йўналишлари ТАЛАБАДАН КУТИЛАЕТГАН НАТИЖА ЁКИ УРГАНУВЧИНИНГ ВАЗИФАСИ

Нимани билади ва тушунади? (когнитив ёки билиш учун хизмат қиладиган мақсадлар)	Нима қилади? (рухий мақсадлар)	Нимани хис қилади? (аффеktiv ёки эмоционал муҳим мақсадлар)
Бозор	Бозор иқтисодиёти	Бозор иқтисодиёти

иқтисодиётининг асосларини баён қила олиш;	қонунларини санаб чиқади, хусусиятларини белгилайди;	хусусиятларини ҳис қилади; Бозор иқтисодиётининг ривожланиши қонуниятларини қандай амалга ошириш лозимлиги масалаларини гуруҳ билан биргаликда муҳокама қилиш кераклигини ҳис қилади;
Бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларини инвестиция-қурилиш фаолиятида ҳисобга олишни	Капитал қурилиш соҳасида асосий аҳамиятга эга бўлган бозор иқтисодиёти асосий тамойилларини санаб беради.	Зарур хулосалар қилиш кераклигини узида ҳис қилади.
Қурилиш иқтисодиётини ислохотлаштиришнинг асосий йўналишларини	Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив ҳужжатларни санаб беради.	Капитал қурилишда норматив ҳужжатларни, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларини янгиллаб бориш заруратини ҳис қилади;

ТЕХНОЛОГИК КАРТА

Қуриладиган саволлар	Уқитувчининг фаолияти	Талабанинг фаолияти
1. Бозор иқтисодиётининг асослари, хусусиятлари ва бугунги қиёфаси (30 мин.).	Қискача қириш: <u>Қақариш фазаси</u> Уқитувчи талабаларга «Инсерт» усулидан фойдаланиб асосий уқув қуллиманнинг 17-21 бетларини	Талабалар уқув қуллиманни уқиб қиқиб «Инсерт» усулида белги қуқиб қиқадилар, шундан сунг бозор элементларининг асосий

	укиб бозор иқтисодиётига берилган таърифларни, унинг элементларини кучириб олишни вазифа килиб беради. <u>Англаш, фахмлаш фазаси</u> Укитувчи талабаларни 5-6 кишидан иборат булган гуруҳларга булиб, кучириб олинган вазифадан категориал маълумот тузишни вазифа килиб беради. <u>Уйлаш, фикрлаш фазаси.</u> Укитувчи савол беради: руйхатда келтирилган бозор элементлари қурилиш ишлаб чиқариш фаолиятида муҳимдир? Укитувчи шундан сунг биринчи савол буйича якун ясайди.	турларини кучириб оладилар Шундан сунг кичик гуруҳ лидерлардан бирортаси узларининг таснифланиш вариантларини презентация килиб беради. Талабалар кичик гуруҳда жавоб тайерлаб, жавобларини презентация киладилар.
2. Бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари ва инвестиция-қурилиш фаолиятида уларни ҳисобга олиш (30 мин.).	Чақириш фазаси Укитувчи талабаларга кичик гуруҳда муҳокама қилиш учун талабаларга савол беради: қурилиш соҳасида қайси бозоро иқтисодиёти тамойиллари муҳим? Укитувчи 2-3та талабадан берилган саволни сурайди ва қуйилган саволга якун ясайди. <u>Англаш, фахмлаш фазаси.</u> Укитувчи 10 минут давомида маъруза фрагментини ўқишга утади, шундан сунг у кичик гуруҳларга бозор иқтисодиёти тамойиллари ва уларнинг	Талабалар берилган саволни кичик гуруҳда муҳокама киладилар. Кичик гуруҳлар вазифа килиб берилган саволни тайерлаб, гуруҳдаги лидерлардан бирортаси

	инвестиция-қурилиш соҳасида амал қилиши хусусиятларини тушунтириб беришларини ва уларни бир-биридан фарқини айтиб беришларини вазифа қилиб беради. Уйлаш, фикрлаш фазаси. Укитувчи талабаларга савол беради: «Тонг» ОАЖ ҳисобот маълумотларига кўра асосий фондлар таркиби ва уни баҳолашни тушунтириб беринг. Укитувчи қуйилган саволга якун ясайди.	сузга чиқади. Бу саволга талабалар кичик гуруҳда асосий укув кулланмадан «Бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари ва инвестиция-қурилиш фаолиятида уларни ҳисобга олиш» деган булимлан жавоб қидирадилар. Кичик гуруҳлар лидерлари берилган саволга сузга чиқиб жавоб берадилар.
3. Қурилиш иқтисодиётини ислохотлаштиришнинг асосий йўналишлари (30 мин.).	Укитувчи 10 мин давомида яна кичик маъруза қилади. Шундан сунг у талабаларга савол беради: Капитал қурилишда ислохотларни қайси йўналишларда олиб бориш лозим? Хозирда давлат бошлиғи ва ҳукумат томонидан ушбу йўналишда қандай қарорлар қабул қилинди? Сизнинг таклифларингиз? Шундан сунг укитувчи қуйилган саволга якун ясаб, дарсда актив катнашган талабаларни исми-шарифини айтиб чиқади ва уларни рағбатлантиради.	Талабалардан (5-6 таси) укитувчининг талаби бўйича берилган саволга жавоб берадилар.

Муҳокама ва назорат учун саволлар

1. **Қурилишнинг** ташкилий асосини қандай турдаги корхоналар ташкил қилади?
2. Қурилиш индустриясидаги корхона ва ташкилотларнинг бозор шароитларидаги “фёъл-атворини” қайси қонун белгилайди?
3. Қурилишни ташкил қилишнинг асосий босқич ёки фазалари
4. Қурилишдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини айтиб беринг.
5. Пудрат ишлари бозори бошқа турдаги бозорлардан нимаси билан фарқ қилади?
6. Қурилиш мажмуасини монополиядан чиқаришнинг асосий моҳияти нимада?
7. Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг асосий вазифалари нималар ҳисобланади?
8. Танлов савдолари нима ва у қандай ташкил этилади?
9. **Қурилишнинг** ташкилий асосини қандай турдаги корхоналар ташкил қилади?
10. Қурилиш индустриясидаги корхона ва ташкилотларнинг бозор шароитларидаги “фёъл-атворини” қайси қонун белгилайди?
11. Қурилишни ташкил қилишнинг асосий босқич ёки фазалари
12. Қурилишдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишларини айтиб беринг.
13. Пудрат ишлари бозори бошқа турдаги бозорлардан нимаси билан фарқ қилади?
14. Қурилиш мажмуасини монополиядан чиқаришнинг асосий моҳияти нимада?

3-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ, ИНВЕСТИЦИЯ ЖАРАЁНИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

Режа:

- 3.1. Бозор иқтисодиёти шароитларида инвестиция сиёсатининг моҳияти ва хусусиятлари.
- 3.2. Инвестиция-қурилиш жараёни, уни ташкил қилиш ва самарадорлиги.
- 3.3. Инвестиция лойиҳалари ва инвестиция дастурлари ҳамда уларнинг иқтисодиётни модернизациялашдаги ўрни.
- 3.4. Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби.

Мавзу бўйича таянч иборалари

Инвестиция сиёсати. Хорижий инвестициялар. Инвестиция-қурилиш жараёни. Қурилишни тайёрлаш. Бевосита қурилиш жараёни. Тайёр қурилиш маҳсулотини реализация қилиш. Инвестиция-қурилиш фаолиятини самарали ташкил қилиш. Бошқарув тизимини қайта қуриш. Инвестиция лойиҳаси. Тушунтириш хати. Инвестиция дастури. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий

инвестицияларни жалб этиш. Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби. Дастурни молиялаштириш. Дастурнинг амалга оширилиши мониторинги

Қисқача хулосалар

Асл моҳиятига кўра ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашни кўзда тутувчи инвестиция сиёсати давлат миқёсида ҳам, хўжалик субъектлари миқёсида ҳам амалга оширилади. Айрим тармоқ ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш бугунги кунда кўпгина ҳолларда инвестиция лойиҳалари асосида амалга оширилмоқда.

Лойиҳаларнинг асосланганлиги - уларнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигининг муҳим шартидир. Лойиҳалар давлат илмий-техник ва ишлаб чиқариш дастурлари бўйича ҳам, айрим мустақил инвесторларнинг ташаббуси билан ҳам молиялаштирилиши мумкин.

Иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишларини танлаш - инвестиция сиёсатининг, инвестиция лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштиришнинг бошланғич босқичидир.

Фан-техника тараққиётининг ютуқларига кўпроқ мос келадиган, меҳнат унумдорлигининг ўсишини ва жорий харажатларнинг кам бўлишини таъминлайдиган, камроқ капитал талаб қиладиган ва ўз-ўзини қоплаш муддати қисқароқ бўлган лойиҳалар самарали инвестиция лойиҳалар ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг самарадорлигини баҳолаш ва молиялаштириш учун танлаб олишнинг услубий қоидалари катта роль ўйнайди. Ишлаб чиқувчилар услубий асосда у ёки бу инвестиция лойиҳанинг жозибadorлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини аниқлашлари ва уни амалга ошириш йўллари белгилаб олишлари лозим.

Муҳокама ва назорат саволлари

1. Давлатнинг инвестиция сиёсатида хос бўлган хусусиятлари ва уларнинг аввалги инвестиция сиёсатидан фарқи нимада
2. Инвестиция лойиҳаси деганда нима тушунилади?
3. Инвестиция лойиҳасининг мақсадли функцияларини очиб беринг.
4. Инвестиция лойиҳаларни амалга оширишда қурилишнинг ролини тавсифлаб беринг
5. Инвестиция жараёнининг мамлакат иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришга таъсирининг миқдорий кўрсаткичларига мисол келтиринг.
6. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қандай имтиёзлар мавжуд?
7. Инвестиция дастурини шакллантириш тартибини қайси ҳужжат билан белгиланади?
8. Қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини шакллантириш тартиби қандай?
9. Инвестиция дастурини қандай молиялаштирилади?
10. Инвестиция дастурининг амалга оширилиши мониторинги қайси мақсадлар учун олиб борилади

4-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИ.

Режа

4.1. Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш назарияси ва амалиёти тарихи.

4.2. Инвестициялар тузилмаси ва уларни инвестицион қарорлар самарадорлигига таъсири.

4.3. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услублари.

4.4. Инвестицияларни иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

Мавзу бўйича таянч иборалари

Инвестициялар самарадорлиги. Капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг методикаси. Инвестициянинг технологик тузилмаси. Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси. Тармоқлараро тузилма. Худудий тузилма. Капитал қўйилмаларни иқтисодий самарадорлигини аниқлайдиган асосий тамойиллар. Умумий иқтисодий самарадорлик. Қиёсий (солиштирма) иқтисодий самарадорлик. Келтирилган ҳаражатлар. Капитал қўйилмаларнинг самарали йуналтириш.

Қисқа хулосалар

Капитал қўйилмалар – бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати, корхонани техник даражасини ошириш, илмий-техник тараққиётини тезлаштириш, иқтисодиётини замонавийлаштириш ва ишлаб чиқаришга замонавий меҳнат курулларини тадбик этишда асосий манба ҳисобланади.

Капитал қўйилмаларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш турлари мавжуд. Капитал қўйилмаларнинг ишлаб чиқариш турлари янги иш жойларини жорий қилиш, талаб кўп бўлган товарлар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш ва бозорга олиб чиқишни таъминлайди.

Иккинчи тури эса ижтимоий-иқтисодий шароитларни яхшилаш, ноишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ва шаҳарларни ободонлаштиришда қўлланилади.

Инвестицияларнинг таркиб ва тузилмаси улар киритилган соҳа ёки тармоқга қараб фарқ қилади, ҳамда қўйилган объектга қараб «актив» ёки «пассив» характерга эга бўлади.

Капитал қўйилмалар самарадорлигини баҳолаш турли усуллар билан аниқланади, лекин умуман олганда улар нисбатан фойдалироқ (самарадор) инвестиция вариантларини баҳолашга, аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Замонавий бозор иқтисодиёти ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча даражаларида инвесторларни ўз маблағларидан рационал ва самарали фойдаланишга имкониятларини қидиришга йуналтиради.

Муҳокама ва назорат учун саволлар

1. «Инвестиция» ва «Капитал қўйилмалар» тушунчаларини фарқлаб беринг.

2. Капитал қўйилмаларининг қандай молиявий манбалари мавжуд ва уларнинг фарқи нимада?

3. Сиз капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлашнинг қандай йўллари биласиз?

4. Инвестицияларга нисбатан самарали вариантни танлаш учун қандай услубдан фойдаланиш керак?

5. Қурилиш «лаги» нимани ифодалайди?

6. Инвестициялар тузилмасини яхшилашнинг натижалари нимада кўринади?

7. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг энг замонавий методларидан қайсиларини биласиз?

8. Капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишнинг қандай йўллари биласиз?

5-МАВЗУ. ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШНИ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ

Режа

5.1. Бошқарув объектив зарурият ва мақсадга йўналтирилган жараён сифатида

5.2. Қурилишда бошқариш мақсади, вазифалари ва хусусиятлари.

5.3. Қурилишни бошқариш замонавий тизими ва органлари.

5.4. Пудрат ташкилотлари ва фирмалари - қурилишни бошқаришдаги асосий бўғинлар

Мавзу бўйича таянч иборалари

Бошқарув. Бошқарув субъекти. Бошқарув объекти. Бошқариш жараёни. Бошқариш цикли. Бошқариш таъсири. Бошқарувчанликни нормалаш. Очиқ тизим. Ташқи муҳит. Қурилишда бошқаришнинг асосий масалалари. Қурилишдаги бошқариш вазифалари. Тизим. Бошқариш тизими. «Давархитектқурилиш». Ташкилий тузилма. Хусусий қурилиш фирмалари. Қурилиш фирмаси мулки. Фирма молиявий ресурслари.

Бошқарув субъекти - бу жисмоний ёки юридик шахс бўлиб, ҳукумат органлари томонидан ва амалдаги қонунчилик бўйича берилган ваколатлар бўйича таъсир ўтказиш имконитига эга бўлади.

Бошқарув объекти — бу бошқарув субъектининг таъсир ўтказиш (бошқарув таъсири) объекти бўлиб, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ишлаб чиқариш ва хўжалик тизимлари бошқарув объекти бўла олади.

Кўриб турганингиздек, иккала ҳолатда ҳам бошқарув ҳақида, бир гуруҳ инсонларни бошқарув ваколатларига эга бўлган бошқа бир гуруҳ инсонлар томонидан бошқариш тўғрисида, гап борапти. Айнан инсонлар, уларнинг

ишлаб чиқариш хўжалик ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари бошқарувнинг предмети ҳисобланади, яъни замонавий менежментнинг асосидир. Менежмент, бошқарув субъекти ва объектисиз, ҳам фан сифатида, ҳам хўжалик амалиётида ўзининг мазмуни ва моҳиятини йўқотади.

Етарлича катта «армия» одамлар ишлайдиган қурилиш соҳаси ҳам, албатта, бу фикр мулоҳазалардан мустасно эмас. Айниқса қурилишда бошқа соҳаларга нисбатан бошқарув субъекти ва объекти яққолроқ гавдаланади: мастерлар ёки бригадирлар ишчиларни бошқаради, прораб ёки катта прораблар бригадирларни бошқаради, участка бошлиқлари прорабларни бошқаради ва ҳ.к. Яъни қурилиш бошқаруви ҳам бутун ижтимоий ишлаб чиқаришда амал қиладиган барча қонун ва қоидаларга бўйсунди. Шунинг учун қурилиш бошқаруви ижтимоий ишлаб чиқариш бошқарувининг таркибий ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Бошқариш жараёни, қайси даражада бўлмасин даврий ва бир вақтнинг ўзида узлуксиз ҳисобланади. Узлуксизлик бир вақтнинг ўзида ва кетма-кет амалга ошириладиган кўплаб циклларни бажаришда вужудга келади. Бошқариш цикли мақсадларни ишлаб чиқишдан бошланади ва уларга эришиш билан якунланади. Бундай циклнинг асосий босқичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- мақсадларни режалаштириш;
 - қабул қилинган қарорларни ёки мақсадли функцияларни тартибга солиш;
 - эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
 - янги бошқарув қарорларини танлаб олиш ва белгилаб олиш.
- Мавзу бўйича таянч иборалари

Бошқарув. Бошқарув субъекти. Бошқарув объекти. Бошқариш жараёни. Бошқариш цикли. Бошқариш таъсири. Бошқарувчанликни нормалаш. Очик тизим. Ташқи муҳит. Қурилишда бошқаришнинг асосий масалалари. Қурилишдаги бошқариш вазифалари. Тизим. Бошқариш тизими. «Давархитектқурилиш». Ташкилий тузилма. Хусусий қурилиш фирмалари. Қурилиш фирмаси мулки. Фирма молиявий ресурслари.

6-МАВЗУ. ҚУРИЛИШДА ИЛМИЙ-ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.

Режа:

6.1 Иқтисодиёт ва жамиятда илмий-техник тараққиёт ривожланиш дастаги сифатида. Қурилишнинг илмий-техник тараққиётга ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири.

6.2 Илмий техник тараққиётнинг қурилишдаги моҳияти, аҳамияти ва асосий йўналишлари.

6.3. Қурилиш илмий техник-тараққиётни башоратлаш ва режалаштириш.

6.4 Илмий техник-тараққиётнинг қурилишдаги самарадорлигини иқтисодий баҳолаш ва унинг кўрсаткичлари.

Мавзу бўйича таянч иборалари

Илмий техник тараққиёт. Фан ва техника ютуқлари. Ташаббус. Асосий йўналишлар. Техника-технология. Эволюцион ва революцион шакллар. Илмий техник-тараққиётнинг қурилишдаги асосий йўналишлари. Саноатлаштириш. Янги материал ва конструкцияларни яратиш ва қўллаш. Тайёр материалларини йиғиш. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш. Баҳоловчи кўрсаткичлар. Башоратлаш. Илмий техник тараққиётни режалаштириш. Техник ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари. Янги кашфиётлар. Рационализаторлик таклифлари. Илмий тадқиқот институтлари. Лойиҳалаш, конструкторлик, технологик ташкилотлар, технологик иқтисодий тадқиқот институтлари. Илмий техник-тараққиётнинг самарадорлиги.

Қисқача хулосалар

Илмий техник-тараққиёт — бу жамият ишлаб чиқариш кучлари даражасини кўрсатиб берувчи кўрсаткич бўлиб, тармоқлар ва замонавий ишлаб чиқариш куруллари билан курулланганлиги ва меҳнат предметларини ҳамда фаннинг самарадорлигини аниқлаб беради.

Илмий техник-тараққиёт натижаси бўлиб алоҳида тармоқлар, ишлаб чиқариш ва корхоналарнинг хусўсан ишлаб чиқариш ўсиши ва мамлакатнинг бутун иқтисодий потенциали ҳисобланади.

Илмий техник-тараққиёт ҳар бир тармоқда шунингдек қурилишда ҳам механизация ва автоматлашритишнинг аҳамиятини оширишни, кул меҳнатидан фойдаланишни ва ишлаб чиқаришнинг камчиликларини қисқартиришни, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатдошлиги ва сифат даражасининг оширилишини таъминлайди.

Илмий техник-тараққиёт асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион интилишлари, фаннинг ишлаб чиқуқ ваиан алоқадорлигининг кучайиши, ишчилар малакаси оширилишини, инновацион интилишларнинг инвестицион қўллаб қувватланиши ётади.

Қурилиш ҳар қандай бошқа тармоқ каби муваффақиятли ривожланади ва фан ва техника ютуқлари асосида юқори самарадорлигини таъминлаб беради, шунингдек ўз навбатида иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларидаги илмий техник-тараққиётга сезаларли таъсир ўтказади.

Қурилишда илмий техник-тараққиётнинг самарадорлигининг таъминлаш унинг нафақат муҳим йўналишларини белгилаб беради, балки уларга киритилган янги техниканинг самарадорлигини баҳолаш имкониятини ҳам яратиб беради.

7-МАВЗУ. ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИНING ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА РЕСУРС САЛОҲИЯТИ ҲАМДА УНДАН ОПТИМАЛ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

7.1. Ишлаб чиқариш салоҳияти ва ресурслари, уларнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва қурилишдаги ҳўжалик субъектларининг фаолиятидаги аҳамияти.

7.2. Асосий фондлар - қурилишнинг ишлаб чиқариш ва ресурс асоси сифатида. Асосий фондларнинг қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватига боғлиқлиги.

7.3. Қурилишнинг айланма фондлари ва айланма маблағлари, уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.

7.4. Меҳнат ресурслари ва қурилишнинг кадрлар салоҳияти.

Мавзу бўйича таянч иборалари

Ресурслар тушунчаси. Ишлаб чиқариш салоҳияти. Асосий фондлар. Асосий ишлаб чиқариш фондлари. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари. Маънавий эскириш. Жисмоний эскириш. Амортизация ажратмалари. Тиклаш қиймати. Қолдиқ қиймат. Ишлаб чиқариш қуввати. Экстенсив кўрсаткичларинтенсив кўрсаткичлар. Интеграл кўрсаткичлар. Фонд қайтими. Фонд сиғими. Фондларнинг рентабеллиги. Капитал қурилишда ҳўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чоратadbирлари. Лизинг Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш. Айланма фондлар. Муомала фонди. Ишлаб чиқариш заҳиралари. Ишлаб чиқариш жараёнидаги айланма фондлар.

Қисқача хулосалар

Қурилиш ишлаб чиқаришининг ресурслар билан таъминланганлиги - капитал қурилишнинг жорий ва истиқболли дастуларини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бозор шароитларида корхона ва ташкилотларнинг ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишга бўлган муносабати миқдорий ва сифат жиҳатдан ўзгаради.

Ишлаб чиқариш фондлари (асосий ва айланма) ишлаб чиқаришнинг ресурс асосини характерлайди. Улар меҳнат ресурслари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг бир маромда давом этишини ҳамда сарфланган маблағларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш фондлари ва кадрлар салоҳияти кўп жиҳатдан ҳар бир қурилиш ташкилотининг ва бутун тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини (қувватини) белгилаб беради.

Бозор шароитларида ресурс салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланиш аввало корхона ва ташкилотларнинг вазифасидир. Давлат ҳўжалик субъектларининг бу борадаги мустақиллигини рағбатлантиради, ҳолбуки уларни зарур ҳолларда қўллаб-қувватлаб ҳам туради.

Қурилишдаги муҳим вазифа - бу айланма воситаларнинг айланишини тезлаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишдир, бу эса ўз навбатида одамларнинг меҳнатга, ресурслардан тежамли фойдаланишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва бошқа шу кабиларга бўлган муносабатларига боғлиқдир.

Бозор ва бозор муносабатлари шароитларида ҳар бир корхона, ҳар бир қурилиш ташкилоти ўзининг ресурс сиёсатини ишлаб чиқиши лозим бўлиб, бу сиёсат бир томондан, ўзининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, иккинчи томондан эса - ишлаб чиқаришнинг бир маромда боришини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Муҳокама ва назорат учун саволлар

1. “Ишлаб чиқариш ресурслари” нима, уларнинг “ишлаб чиқариш заҳиралари”дан фарқи ёки ўхшаш томонлари нимада?
2. Бозор шароитларида ресурсларни тежаш қандай аҳамиятга эга ва у қурилиш иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?
3. Ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий моҳиятини очиб беринг ва улардан қурилишда фойдаланиш даражасини характерловчи кўрсаткичларга мисол келтиринг.
4. Кадрлар салоҳияти нима ва қурилишда қандай шаклланади?
5. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг аҳамиятини ёритиб беринг, кўрсаткичларини айтиб беринг ва қурилишда уни ошириш йўллари кўрсатиб беринг.

8-МАВЗУ. ҚУРИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

8.1. Режалаштириш - қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг муҳим бўғини сифатида. Қурилишда режалаштиришнинг асосий вазифалари, тамойиллари ва хусусиятлари

8.2. Капитал қурилишни режалаштиришнинг турлари, мазмуни ва йўналишлари

8.3. Қурилиш ишлаб чиқаришини ва қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини ривожлантиришни режалаштириш

8.4. Пудратчи ташкилотлар миқёсида ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш

Мавзу бўйича таянч иборалари

Режалаштириш. Директив ва индикатив режалар. Режаларни ишлаб чиқишнинг илмий асосланган усуллари. Қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш тамойиллари. Режалаштиришнинг ташкилий поғоналари. Капитал қўйилмалар режаси. Лойиҳа-тадқиқот ишларини режалаштириш. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК). Қурилиш ишлаб чиқариши ва қурилиш-монтаж ташкилотлари қувватини ривожлантириш режаси. Қурилиш ишлаб чиқариши режаси. Техник-иқтисодий ёки йиллик режалаштириш.

Қисқа хулосалар

Бозор иқтисодиёти, баъзи мутахассислар, айниқса бозор тарафдорлари ўйлаганидек, хўжалик юритишдаги қурилиш ишлаб чиқаришини самарали инвестициялаш ва ташкил қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган аввалдан

ўйлаб қўйилган қарорларнинг заруриятини инкор қилмайди, балки аксинча, кучайтиради.

Режалаштириш - капитал қўйилмалар ва қурилишни прогнозлашнинг таркибий қисмидир. қурилиш индустриясининг қуйи поғонасидаги корхоналар ва ташкилотлар миқёсида у оптимал ривожланиш режаларини ишлаб чиқишда ўз аксини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида режалаштиришга нисбатан аввалги буйруқбозлик ёндашуви йўқ, унда амалдаги қонунчиликда тасдиқланган меъёрлардан ташқари аввалдан тасдиқланадиган назорат рақамлари, лимитлар ва қатъий меъёрлар бўлмайди, бу эса ишлаб чиқиладиган қурилиш дастурларининг илмий асосланганлигини ва реаллигини тақозо қилади.

Қурилишни ва қурилиш ташкилотларини ривожлантириш режаларини техник-иқтисодий асослаш зарурлиги миқдорий ва сифат, натура ва қиймат, ҳажмий ва солиштирма кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлишини тақозо этади.

Қурилиш ташкилотини (фирмасини) иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режаси бир неча бўлимларни ўз ичига олади. Уларнинг ичида марказий ва энг муҳими ишлаб чиқариш дастури ёки асосий фондлар ёки ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режаси бўлиб, қийма ва натурал ифодада ишлаб чиқиладиган.

Янги инвестицион қўйилмалар, “ноу-хау”, қурилишнинг янги турларини ўзлаштириш кўпинча мақсади ёки пировард функциялари билан фарқ қилувчи бизнес-режалар ёки бизнес-лойиҳаларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Мавзу бўйича таянч иборалари

Режалаштириш. Директив ва индикатив режалар. Режаларни ишлаб чиқишнинг илмий асосланган усуллари. Қурилиш ишлаб чиқаришини режалаштириш тамойиллари. Режалаштиришнинг ташкилий поғоналари. Капитал қўйилмалар режаси. Лойиҳа-тадқиқот ишларини режалаштириш. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (ҚМК). Қурилиш ишлаб чиқариши ва қурилиш-монтаж ташкилотлари қувватини ривожлантириш режаси. Қурилиш ишлаб чиқариши режаси. Техник-иқтисодий ёки йиллик режалаштириш. Оператив-ишлаб чиқариш ёки жорий режалаштириш. Бизнес-режалаштириш. Бизнес-режани ишлаб чиқишдаги талаблар.

Муҳокама ва назорат учун саволлар

1. Қурилишда режалаштиришнинг мазмуни, турлари ва вазифаларини баён қилиб беринг.
2. Бозор шароитларида режалаштириш ва прогнозлаш функциялари қандай ўзгаради?
3. Қурилиш ташкилотини (фирмасини) ривожлантириш режасининг қандай бўлимлари ва кўрсаткичларини биласиз?
4. Қурилиш корхонасининг фаолияти ва ривожлантириш режасининг асосланганлиги нимадан иборат?
5. Бизнес-режани ишлаб чиқишнинг мазмуни ва тартибини тушунтириб беринг.

9 - МАВЗУ. ҚУРИЛИШДА БАҲОНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ, ДАРОМАД ВА РЕНТАБЕЛЛИК

9.1 Қурилишда баҳо белгилаш механизми ва унинг хусусиятлари.

9.2 Қурилишнинг смета бўйича қиймати (нархи)ни белгилашнинг таркиби, тузилиши ва услублари.

9.3 Қурилишда фойда ва уни ҳисоблаш усуллари.

9.4 Рентабеллик ва уни қурилишда ошириш йўллари.

Мавзу бўйича таянч иборалари

Қурилишда баҳо нарх-навони эркинлаштириш сиёсати. Улгуржи ва чакана нарх. Қурилишда баҳони белгилаш системаси. Қурилишнинг смета бўйича қиймати. Бевосита ҳаражатлар (БХ). Устама ҳаражатлар (УХ). Смета фойдаси (Рж). Режадаги таннарх. Ҳақиқий таннарх. Фойда. Смета фойдаси. Режадаги фойда. Ҳақиқий фойда. Баланс фойдаси. Ялпи фойда. Солиққа тортиладиган фойда. Соф фойда. Смета бўйича рентабеллик даражаси. Режадаги рентабеллик даражаси. Ҳақиқий рентабеллик даражаси.

Қисқача хулосалар

Фойда - қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижаларини акс эттирувчи якуний кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич бўйича қурилиш корхонасининг молиявий барқарорлиги ва унинг кейинги ривожланиш имкониятлари белгиланади.

Фойда корхона ва умуман бутун тармоқни рентабеллик даражаси ва зарар кўришини (фойда йўқ вақтида) аниқлаш имкониятини беради. У ишлаб чиқариш ҳаражатлари билан тўғридан тўғри боғлиқ: қанча ҳаражат кам бўлса (сифатга зиён етказмасдан), шунча фойда кўп ва рентабеллик даражаси юқои бўлади.

Қурилишнинг смета қиймати аввалдан кафолатланган фойда нормасини ҳисобга олувчи қурилиш маҳсулотининг нархи ҳисобланади. Қурилишнинг смета қийматини камайтириш – лойиҳаловчи, қурувчи ташкилотлари ва инвестицион жараённинг бошқа иштирокчиларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Смета қиймати капитал маблағларга талабни белгилаш, буюртмачи томондан молиялаштиришни бошлаш, бажарилган ишларга ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида у баҳо белгилашга, инвестицион жараённинг ҳамма босқичларда тежаш режимига амал қилишга, қурилишда ва лойиҳалаштиришда илмий-техникавий тараққиёт ютуқларидан мувафақиятли фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида қурилиш индустрияси корхоналари ва тошқилотларининг вазифаси асосий фондлар ҳамда ишлаб чиқариш қувватини ўз вақтида ва сифатли ишга тушуриш асосида ҳаражатларни камайтириш, фойдани оширишдир. Рентабеллик кўрсаткичи қурилиш корхонасининг

белгиланган самарадорлик натижасида ҳаракат қилишга интилишини акс эттиради.

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Актив - жисмоний ёки ҳуқуқий шахснинг мулки, корхонанинг бухгалтерия балансининг бир қисми

Акциз - товар (хизмат) нархига қўшиладиган билвосита солиқ тури

Акция - акционерлик жамиятининг капиталидаги (фойдасидаги) улуш ҳуқуқини, баъзи ҳолларда (оддий акция) эса бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз

Акционерлик жамияти - жамият мажбуриятлари бўйича ўз бадаллари (ўзларига тегишли акциялар пакети) доирасида жавобгар бўлувчи бир неча фукаролар ва (ёки) ҳуқуқий шахсларнинг ҳужжашмаси

Амортизация ажратмалари - асосий воситалар қийматидан (фойдадан) уларнинг емирилишини қоплаш учун тўланадиган ажратмалар.

Ижара - мулкни тўлов эвазига маълум муддатга эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш. бунга ижара шартномаси (контракти) асос бўлиб хизмат қилади.

Ижара тўлови - ижара корхонаси оладиган тушумнинг ижара шартномасида аввалдан белгилаб қўйилган қисми. Абсолют суммада белгиланади ва ижара берувчига келишилган муддатларда тўлаб борилади.

Ижара корхонаси - ўзаро иқтисодий муносабатлари ёллаш шартномасига асосланган хўжалик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири, бу шартномага кўра томонлардан бири (ижара берувчи) иккинчи томонга (ижарачига) асосий фондларни маълум бир тўлов эвазига вақтинча (одатда 10-15 йилга) фойдаланишга беради.

Ассоциация - корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, трестлар, бошқармалар ва алоҳида шахсларнинг тармоқ ёки ҳудудий тамойил асосида кўнгилли бирлашмаси. курилиш-монтаж ташкилотларининг, саноат корхоналари, илмий ва лойиҳа ташкилотларнинг ишлаб чиқариш, фан-техника ва ижтимоий тараққиётдаги имкониятларни кенгайтириш мақсадида кўнгилли равишда ташкил қилинади.

Аудиторлар - корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги аҳволни текширувчи ташкилотлар (мансабдор шахслар)

Ким ошди савдоси (аукцион) - сотилаётган мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи шу савдода энг кўп нарх таклиф қилган ҳаридорга бериладиган очик савдолар.

Базис - кўрсаткичнинг бошқа қиймат билан солиштириладиган қиймати (масалан, базис йил).

Банк - пул маблағларини сақловчи ва улар асосида кредит берувчи кредит-молия муассасаси

Банкрот - тўлов лаёқатига эга бўлмаган қарздор, яъни касод бўлган, қарзни тўлаш имкониятига эга бўлмаган ҳуқуқий шахс.

Банкротлик - фукаро, корхона, ташкилот ёки банкнинг маблағлар йўқлиги туфайли ўз тўлов мажбуриятларини тўлашдан воз кечиши.

Бизнес - даромад ёки иқтисодий фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолият.

Биржа - бозорнинг қимматбаҳо қоғозлар (фонд биржаси), товарлар (товар биржаси) ва хорижий валюта савдоси (валюта биржаси) амалга ошириладиган шакли (муассасаси).

Инвестиция лойиҳасининг бюджет самарадорлиги - лойиҳани амалга ошириш натижаларининг бюджетнинг (федерал, минтақавий ва маҳаллий) кирим ва чиқим қисмларига таъсирини кўрсатади. Лойиҳанинг бюджет самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичи бюджет самараси бўлиб, ушбу лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир даври учун тегишли бюджетнинг кирим ва чиқимлари фарқи кўринишида аниқланади.

Ялпи даромад - корхоналар (фирмалар) хўжалик фаолиятдан келиб тушган ва ҳеч қандай ажратма ва ушлаб қолишларсиз жами фойда.

Ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) - бир мамлакатда маълум бир муддат ичида ишлаб чиқарилган жами пировард товар ва хизматлар қийматининг йиғиндиси.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) - умумлаштирувчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб, мамлакат тасарруфига маълум бир даврда келиб тушадиган товар ва хизматларнинг сотиш нархидаги суммасини ифодалайди.

Ялпи ички инвестициялар - жорий йилда ишлаб чиқарилган барча ишлаб чиқариш воситаларининг умумий қиймати ҳамда товар-моддий заҳираларини тўлдиришга сарфланган харажатлар.

Валюта савати - миллий ёки халқаро (минтақавий) валютанинг курсини аниқлаш учун хорижий валюталарни котировкада фойдаланиладиган валюталар тўплами

Корхонанинг валюта фонди - корхона тасарруфидаги хорижий валютадаги пул маблағлари.

Даромадлилиқнинг ички меъёри (даромадлилиқ индекси) - инвестиция лойиҳаларининг турли вариантларини қиёсий баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткич. Бу кўрсаткич $E_{ич}$ дисконт меъъридан (ставкасидан) иборат бўлиб, келтирилган самаралар қиймати келтирилган капитал қўйилмалар қийматига тенг бўлади.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш - эскирган меҳнат воситаларини пуллик ифодада тиклаш ва уларни натурада алмаштириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизациялаш ва капитал таъмираш учун жамғарма фондини ташкил қилиш.

Бош пудратчи - капитал курилиш ҳақидаги пудрат шартномаси (капитал контракт) асосида объектларни куриш, шу жумладан технологик асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ва созлаш ҳамда шу билан боғлиқ иш ва хизматларни бажаришни ўз зиммасига олган ташкилот ёки фирма. Бош пудратчи буюртмачи билан келишилган ҳолда ўз мажбуриятларини бажариш учун мамлакатдаги ва хорижий фирмаларни ҳам жалб қилиши ва айни пайтда бу қуйи пудратчиларнинг бажарган ишлари учун жавобгар бўлиб қолади.

Дисконтлаш - турли йиллардаги харажатларни қиёсий (вақт бўйича) кўринишга келтириш. Объект курилиши жараёнида турли йилларда (t) сарфланган маблағларни (K) йил бошига (t_0) ёки йил охирига (T) келтириш.

Даромад - моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги янги ҳосил қилинган қиймат. Давлат, муассаса ёки хусусий шахс томонидан қандайдир корхона ёки фаолият туридан олинадиган пул ёки моддий қийматлар (йиллик даромад, миллий даромад, хўжалик ҳисоби даромади, аҳоли даромади ва ҳоказолар).

Қарз айланма маблағлар - қурилиш корхоналарининг айланма маблағларининг турли манбалардан олинган бир қисми (асосан банк кредитлари); қайтариб берилади.

Қарз берувчи - маълум муддатга пул маблағларини қарзга берувчи ҳуқуқий ёки жисмоний шахс. қарз берувчи қарзни берган суммасининг маълум бир фоизи миқдоридаги тўловлар кўринишида ёки келишилган ҳолда сарфланган ёки техник ресурсларнинг бир қисмига эга бўлиш шарти билан беради.

Буюртмачи - инвестиция фаолиятининг субъекти бўлган, молиявий маблағларга эга бўлган ва пудратчининг талабига кўра ўзининг тўловга лаёқатлилиги ҳақида кафолат берган ҳуқуқий ёки жисмоний шахс.

Иш ҳақи - меҳнаткашларнинг корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг даромадидаги пулларда ифодаланган улуши, шахсий истеъмолга йўналтирилади ва бажарувчилар меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади.

Қурувчи - ерга эгалик ҳуқуқига эга бўлган ҳамда уй-жой бинолари, фермер хўжаликлари ва бошқа объектлар қурилишини молиялаштирувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахс. қурувчи ер ажратилиб, тайёрганлик ишларига рухсат олгач, буюртмачига пудрат шартномаси ёки контракти тузишни топширади. Ўзи эса акт бўйича ажратилган ер майдонининг эгаси ҳамда қурилган объектнинг мулк эгаси бўлиб қолади. Буюртмачи билан қурувчининг ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, буюртмачи бевосита инвестиция фаолияти субъекти бўлади, қурувчи эса ердан ўзоқ муддатли ижара шартларида фойдаланаётган буюртмачидан фарқли равишда бир пайтнинг ўзида шахсий мулк сифатида ернинг умрбод эгаси ҳам бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари - қурилиш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча турдаги ҳаражатлар. Бу ҳаражатларни ҳосил қилинган бирлик маҳсулотга келтиришда унинг таннарни аниқланади.

Қурилиш маҳсулотининг ўзгарувчанлиги - қурилиш ташкилоти учун шу пайтда қурилаётган объектлар учун керак бўлган маҳсулот таркибидаги (маълум давр мобайнидаги) ўзгаришлар. қурилиш маҳсулотининг ўзгарувчанлиги жорий ва даврий бўлиши мумкин. қурилиш маҳсулотларининг жорий ўзгарувчанлиги қурилиш объектини қуриш пайтида вужудга келади ва қурилиш маҳсулотининг белгиланган номенклатураси доирасида бўлади. У биноларнинг пойдеворлари, асосий конструкциялари, томлари ва ҳоказолари элементларига бўлган навбатма-навбат эҳтиёжлар оқибатидир. Даврий ўзгарувчанлик эса маҳсулот кўрсаткичларидаги белгиланган номенклатура доирасидан чиқувчи жиддий ўзгаришларни ўз ичига олади, фан-техника тараққиёти ёки бошқа омилларнинг таъсирида вужудга келади.

Асосий фондларнинг емирилиши - асосий фондлардан фойдаланиш жараёнида уларнинг дастлабки эксплуатация хусусиятларини йўқотиши.

Асосий фондларнинг емирилиши маънавий ва жисмоний кўринишда бўлади. Фан-техника тараққиётининг бугунги суръатларида кўпчилик ҳолларда маънавий эскириш жисмоний эскиришдан аввалроқ юз беради.

Инвестиция фаолияти - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади. Инвестиция циклинининг таркибий қисмларига мос келадиган қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- инвестиция миқдори бўйича қатъий чеклашлар доирасида амалга ошириладиган инвестиция мақсадларни ишлаб чиқиш, қурилиш орқали амалга ошириладиган энг муҳим объектларни қатъий танлаб олишни талаб қилади. Объектлар қурилишдаги устиворликларни баҳолаш ёрдамида танлаб олинади. Бунда ҳар бир объект белгиланган омиллар тизими асосида балларда баҳоланади, натижада объектлар устиворлиги бўйича сараланади. Устиворликни баҳолаш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга имкон беради: энг муҳим объектлардан қурилиш дастурларини шакллантириш; қурилиш дастурлари қурилиши бошланган объектлар билан тўлиб кетганда уларни тугатиш суръатларини тезлаштириш учун объектларни тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабулқилиш (тугалланмаган объектларни кимошди савдосида сотиш имконияти билан бирга); қурилаётган объектларда ишларни тезроқ тугаллаш учун янги объектлар қурилишини кечиктириш ҳақида қарорлар қабулқилиш;

- инвестиция манбаларини аниқлаш ва молиялаштириш тўғрисида тегишли шартномалар тузиш, давлат ёки муниципал тузилмаларнинг қурилиш сиёсатида қабал қилинган доирада объектларнинг устиворлигига қараб мумкин бўлган молиявий (солиқ) имтиёзларини аниқлаш;

- бино ва иншоотларни қуриш билан бевосита боғлиқ қурилиш фаолиятини ташкил қилиш, шартнома мажбуриятларига қатъий риоя қилиш, ишларнинг сифатига қўйилган талабларга риоя қилиш, қурилиш муддатини қурилиш кўламини торайтириш ҳисобига қисқартириш;

- фойдаланишга топширилган объектларнинг шартномада кўрсатилган кафолат муддати мобайнида нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш.

Инвестиция комплекси - инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси. Инвестиция комплекси таркибига қуйидагилар киради:

- инвесторлар вазифасини ўтовчи давлат органлари, муниципал тузилмалар, акционерлик ташкилотлари, хусусий фирмалар ва тадбиркорлар, турли банклар. Пудрат шартномасини тузишда инвесторлар буюртмачилар вазифасини ўтайди; шартномалар пудрат танловлари (тендерлар) натижасида имзоланиши мумкин;

- инвестиция мақсадларини бевосита амалга оширувчи пудратчилар, улар ичида буюртмачилар билан бевосита шартномалар тўзувчи бош пудратчилар ҳамда шартномалар бўйича бош пудратчилар билан ишловчи қуйи пудратчилар;

- қурувчиларнинг қурилишнинг моддий-техник базасига бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ташкилотлар. қурилишнинг моддий-техник базаси

таркибида қурилиш ташкилотларининг балансида бўлган корхоналар, қурилиш материаллари саноати таркибидаги корхоналар, қурилиш машинасозлиги корхоналари ва маҳсулотлари қурилишда фойдаланиладиган халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги корхоналар;

- транспорт ва қурилиш жараёнини таъминлаш билан боғлиқ бошқа хизматларни таъминловчи корхоналар ва воситачи ташкилотлар;

- бўлажак объектларнинг лойиҳа моделларини ишлаб чиқувчи ҳамда қурилиш соҳасида фан-техника тараққиёти ғояларини амалга оширувчи лойиҳа ва илмий-тадқиқот ташкилотлари;

- қурилиш учун кадрлар тайёрловчи турли поғонадаги ўқув ташкилотлари (шу жумладан ишчиларни бевосита иш жойларида тайёрлаш тизими);

- қурилиш соҳасида ахборот таъминотини амалга оширувчи ташкилотлар (масалан, “Стройиздат” нашриёти, қурилиш газета ва журналларининг таҳририятлари, ихтисослашган кутубхоналар, ахборот марказлари, давлат статистика органлари).

Инвестиция фонди - қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатувчи ҳар қандай очиқ турдаги акционерлик жамияти: ўз акцияларини чиқариш (эмиссия) ҳисобига маблағларни жалб қилиш; хусусий маблағларни бошқа муассаса ёки корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига инвестициялаш; қимматбаҳо қоғозда билан савдо қилиш.

Инвестиция цикли - инвестицияларни ва уларнинг асосий қисми - капитал қўйилмаларни маълум муддат мобайнида амалга ошириш жараёни. У инвестиция мақсадлари шаклланган пайт билан фойдаланишга топширилган объектларнинг лойиҳадаги техник-иқтисодий кўрсаткичлар даражасига чиқиш пайти ўртасидаг муддатдир. Бир қатор ҳолларда инвестиция циклига объектлардан фойдаланиш даври ҳам киритилади.

Инвестиция циклларининг қуйидаги босқичларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- инвестицион тайёргарлик (инвестицияларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш, бозорда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, ҳамкорларни танлаш, техник-иқтисодий асослаш, қурилиш жойини танлаш ва ҳоказо);

- лойиҳалаш, яъни бўлажак объектнинг ҳисоб-китоб, график ва иқтисодий моделини ишлаб чиқиш;

- барча турдаги қурилишлар (янги қурилиш, таъмирлаш, техник қайта жиҳозлаш, капитал таъмирлаш);

- қувватларни ўзлаштириш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш жараёни; пудратчи билан буюртмачи ўртасидаги шартнома билан тартибга солинади.

Инвестиция цикли муддатини қисқартиришга қуйидаги усуллар билан эришилади:

- инвестиция циклининг таркибий қисмларини вақт бўйича бирлаштириш. Масалан, лойиҳалаш жараёнини инвестицион тайёргарлик тугамасдан аввал бошлаш мумкин. қурилишнинг ўзи эса лойиҳа-смета

хужжатлари қисман тайёр бўлган пайтдан бошлаш мумкин, жаҳон амалиётида ушбу хужжатларнинг 10-15 фоизи тайёр бўлгандаёқ қурилишни бошлашга рухсат берилади. Аниқланишича, қувватлар ва техник-иқтисодий кўрсаткичларни ўзлаштириш жараёнининг чўзилиб кетиши фойдаланишга топгирилган объектларнинг охирига етказилмаганлигига боғлиқ бўлиб, қурилиш ишлари ва айниқса асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ишларининг сифатсиз бажарилганлигидан далолат беради. Шунинг учун асбоб-ускуналарни лойиҳада кўрсатилган ишчи ҳолатига етказиш айнан қурилиш даврида амалга оширилиши лозим.

- инвестиция цикли таркибидаги жараёнларнинг ўзини ҳам, айниқса қурилишнинг муддатини қисқартириш. Бунда мавсод халқаро стандартларга асосланиш лозим.

- инвестиция мақсадларини амалга оширишнинг лойиҳа-қурилиш фирмалари, қурилиш фаолияти билан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш фаолиятини биргаликда олиб боровчи фирмалар (уй-жой қурилиш комбинатлари каби), инвестиция фаолиятининг бутун комплексини тўла амалга оширувчи инжиниринг фирмалари каби янги ташкилий шакллари жорий қилиш.

Инвесторлар - хусусий ва қарзга олинган мулк ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабулқилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва ҳаридорлар ролини бажаришлари, шунингдек инвестиция фаолиятининг бошқа иштироқчилари функцияларини бажаришлари мумкин.

Инвестиция фаолияти иштироқчилар қаторига буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, суғурта жамиятлари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидagi қонунчиликка кўра инвестицияларнинг мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар;

Инновация - қурилиш маҳсулотига бўлган бозор талабининг ўзгариши натижасида янги меҳнат воситаларидан фойдаланиш (техник янгиликлар), технологик, ташкилий, бошқарув, ижтимоий ва бошқа ўзгаришлар билан боғлиқ равишда қурилиш ишлаб чиқариши тизимига ўзгаришлар киритиш жараёни.

Инновацион стратегия - корпорациянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бу вазифаларни бажаришнинг принциплар сийёсати ва режаларини белгилаб берувчи системали, яхши тайёрланган ташкилий шароитлар мажмуаси.

Инновацион қарор (ечим) - корхонада (қурилиш ташкилотида) янгиликлардан фойдаланишни жорий қилишга оид бошқарув қарорини қабулқилишнинг комплекс жараёни. қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: уюштирилган янгиликлар (эҳтиёж ҳақида хабардор қилиш, англатиш), янгиликка оид қарорларни қабулқилиш (ахборотларни мақсадли равишда тўплаш ва танлаб олиш), янгиликларни ўзлаштириш (мослашув, мустаҳкамлаш).

Корхонанинг инновацион салоҳияти - қурилиш ташкилоти ва корхонасининг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан (қўйи тизимларнинг сифати ҳамда ташқи ва ички алоқаларнинг сифати билан) белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳияти ташкилотнинг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради

Инновация жараёни - янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд - янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш, такомиллаштириш ва ундан фойдаланишни тўхтатиш.

Меҳнатнинг интенсивлиги - жисмоний, руҳий ва ақлий энергиянинг вақт бирлигидаги сарфланиш даражаси; ишчининг сифатли ва тўлақонлик натижага эришиш учун кетган вақт оралиғида сарфлаган меҳнат миқдорида фойдаланади. Меҳнат интенсивлиги ошган сари ишлаб чиқариладиган товарлар миқдори ҳам ортиб боради, маҳсулот бирлигининг қиймати эса ўзгармайди. Меҳнатнинг интенсивлик даражаси мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитларга боғлиқ бўлади. Меҳнатнинг нормал интенсивлиги иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнатнинг қатъий регламентлаштирилиши ва меъёрлаштирилиши, уни муҳофаза қилишнинг такомиллашуви, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, меҳнат ва ҳордиқнинг оптимал режимларига асосланади.

бошланғич нарх - буюртмачи томонидан ёки унинг буюртмаси бўйича жалб этилган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати;

баҳоловчи гуруҳ - офертани баҳолаш учун танлов комиссияси томонидан ташкил этиладиган вақтинчалик орган;

баҳоловчи комиссия - эркин савдода харидни амалга оширишда буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

баҳолаш мезонлари - талабгорларни танлаш ҳамда офертани баҳолаш ва савдолар ғолибини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

буюртмачи - инвестор ёки товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш учун белгиланган тартибда инвестор томонидан белгиланган юридик шахс;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш - танлов савдоларида қатнашишга қўйиш учун талабгорларни танлаш;

инвестор - товарлар, ишлар ва хизматлар харидига ўз маблағларини ёки қарз олинган маблағларни (бюджетдан молиялаштиришда - назарда тутилган маблағларни) қўювчи юридик ёки жисмоний шахс;

капитал қурилиш - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар иятларсий воситаларни мукамал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;

танлов савдоларида иштирок этишга буюртманомаларни таъминлаш - оферент томонидан буюртмачининг талабига кўра улар бўйича дастлабки мажбуриятни банк берадиган банк кафолати, топшириқ, захира аккредитивлар, чеклар шаклидаги танлов савдолари шартларида назарда тутилган исталган мажбуриятнинг, ёхуд таъминлашнинг бошқа турларида таъминланиши;

талабгор - офертаси савдо ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилгунга қадар таклиф этилган шартларда танлов савдоларида қатнашиш ниятини билдирган юридик ёки жисмоний шахс;

танлов буюртманомаси акцепти - унинг ютган офертаси эътироф этилган ҳолда оферентга юбориладиган ва шартнома тузишга таклиф ҳисобланадиган буюртмачининг ёзма билдиришномаси;

танлов комиссияси - мазкур Низомнинг 12-бандида санаб ўтилган функцияларни бажариш учун буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

танлов савдолари - танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул етказиб берувчисини, ишларни бажарувчини ва хизматлар кўрсатувчини танлаш усули;

танлов савдолари предмети - товарлар, ишлар ва хизматлар;

танлов савдолари ташкилотчиси - буюртмачи ёки танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун буюртмачи томонидан жалб этиладиган юридик шахс;

танлов ҳужжатлари - танлов савдоларининг техник, молиявий, тижорат, ташкилий тавсифлари ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, тартиб-қоидалари тўғрисидаги дастлабки ахборот мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми;

товар - хом ашё, буюм, конструкция, асбоб-ускуналарга бутловчи буюмлар, қаттиқ, суюқ ёки газсимон ҳолатдаги предметлар, энергиянинг барча турлари, шунингдек етказиб бериладиган товарга қўшимча равишда кўрсатиладиган хизматлар, агар уларнинг қиймати товар қийматининг ўзидан ортиқ бўлмаса;

оферент - малака танловидан ўтган ва офертаси танлов савдолари ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган талабгор;

оферта - танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов савдолари предметида нисбатан талабгорнинг таклифи;

шартномавий жорий нарх - танлов савдолари натижалари бўйича белгиланадиган танлов савдолари предмети нархи;

шартнома бажарилишини таъминлаш - буюртмачининг талабига кўра танлов савдолари ғолиби томонидан улар бўйича бирламчи мажбуриятни банк ўз зиммасига оладиган банк кафолати, топшириқ, захира аккредитивлар, чеклар шаклидаги, нақд маблағлардаги депозитлар, ёхуд бошқа шакллардаги депозитлар шаклидаги шартномадаги мавжуд мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши.

Қурилишни интенсивлаштириш - ишлаб чиқариш ҳажмининг ишлаб чиқаришга жалб қилинган меҳнат ва моддий ресурслар ҳажмидан ортиши. Интенсификация қурилишнинг барча босқичларига: илмий ишланмалар, лойиҳалаштириш, саноат корхоналаридаги ва қурилиш ташкилотларидаги жараёнларга тааллуқлидир. Барча ҳолларда ҳам қурилишни интенсивлаштиришнинг асоси фан-техника тараққиёти бўлиб, унинг натижаси эса ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўлиши керак. Бунга эса меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор шаклларида фойдаланиш, мукамалроқ машина ва механизмларни қўллаш, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги шаклларига ўтиш орқали эришиш мумкин. Ишчиларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш ҳам катта аҳамият касб этади. Бозор муносабатлари шароитида қурилиш корхоналари қурилишни интенсивлаштириш заҳираларини топиш ва улардан фойдаланишдан моддий манфаатдордирлар.

Инфратузилма - иқтисодий тизимнинг умумий тузилишининг ёрдамчи характерга эга бўлган ва ушбу тизимнинг умумий фаолиятининг бир маромда боришини таъминловчи таркибий қисми. Масалан, қурилиш тизимининг асосини қурилиш ташкилотлари ва уларнинг турли моддий-техник ресурслари билан таъминланган қувватлари ташкил қилса, бутун тизимнинг ўздуксиз фаолият кўрсатиши учун коммуникациялар (транспорт, алоқа, электр ўзатиш линиялари ва бошқа энергияни қайта ишлаш тизимлари), қурилиш тизими ишчилари учун шарт-шароитлар (уй-жой-коммунал хўжалиги, савдо таъминоти, тиббиёт ва маданият муассасалари ва ҳоказолар), маориф ва касбий таълим тизимлари зарур. Чекка вилоятларнинг ривожланмаганлиги қурилишнинг смета қийматини аниқлашда ҳисобга олиш керак бўлган ҳаражатлар миқдорининг кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Масалан, ўзоқ шимол минтақаларида қурилиш стационар йўллар мутлақо мавжуд бўлмаган шароитларда олиб борилади, бу эса қимматбаҳо қурилиш материаллари ва конструкцияларининг мавсумий заҳираларини тўплашни, шунингдек, авиация техникаларидан фойдаланишни талаб қилади, натижада транспорт ҳаражатларининг ўзи қурилиш материалларининг нархидан ортиб кетади.

Капитал қўйилмалар - қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), корхоналар, ташкилотлар, турлик мулкчилик шаклларидаги банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирлашга йўналтирилиши мумкин. Ҳозирги кунда

амалдаги корхоналарни қайта таъмирлаш ва кенгайтиришга, улардаги асбоб-ускуналарни модернизациялашга йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг нисбий улушининг ортиб бориш тенденциялари кўзатилмоқда. Кўпчилик ҳолларда бу (пул маблағлари сарфи ва ишлани бажариш муддатларига кўра) янги қурилишдан кўра манфаатлироқ бўлмоқда. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини оширишга интилиш ҳар доим долзарб масаладир. Талаб қилинаётган капитал қўйилмалар миқдорини аниқлашда маҳсулот, асбоб-ускуна, хом ашё, энергия ташувчилар ва бошқаларни етказиб берувчи корхоналар тармоғига сарфланган маблағларни ҳисобга олиш лозим ???. Дастлабки ҳисоб-китоблар учун капитал қўйилмаларнинг солиштирма кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Инвестиция лойиҳанинг тижорий самарадорлиги - лойиҳани амалга оширишнинг унинг бевосита иштироқчилари учун қандай молиявий оқибатларга олиб келишини акс эттиради. Талаб қилинган даромад меъёрини таъминловчи молиявий ҳаражатлар ва натижаларнинг нисбати сифатида аниқланади. Самара сифатида инвестиция ва операцион фаолиятдан келадиган ва лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир давридаги (ҳисоб-китоб босқичи - ой, чорак, йил) пул маблағларининг кирими ва чиқими ўртасидаги тафовутдан иборат реал пул оқимларидан фойдаланилади. Инвестиция лойиҳасини қабулқилиш мезони - иштироқчиларнинг ҳар бири пул сарфлайдиган ёки даромад оладиган ҳар қандай вақт оралиғидаги реал пулларнинг мусбат сальдосидир.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги - товарларнинг истеъмол ва қиймат характеристикалари комплекси бўлиб, уларнинг ички ва ташқи бозордаги истеъмолчи учун афзаллигини бошқа корхоналар ва мамлакатлардаги худди шундай маҳсулотларга нисбатан белгилаб беради. Рақобатбардошлик реал (олди-сотди амалиёти натижасида) ва потенциал (лойиҳа-режа ҳисоб-китоблари, талаб шартлари таҳлили) турларга бўлинади. Рақобатбардошликни бошқариш корхона томонидан фаол маҳсулот ва нарх сиёсатининг олиб борилишини, асосий истеъмолчилар билан яқин алоқада бўлишни, ички ва ташқи бозорларга мустақил чиқишни кўзда тутди.

Рақобат - бозор фаолиятининг объектив шартларидан бири, иқтисодий ўзаро муносабатлар жараёни, айрим товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар ўртасида ўзаро таъсир ва маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишнинг энг манфаатли шартларига эришиш ва кўпроқ фойда олиш учун кураш жараёни, аҳолининг тўловга лаёқатли талаби ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мусобақа жараёни. Рақобат турли шаклларда намоён бўлиши ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бир тармоқ миқёсидаги (фирмалараро ёки предметлараро) рақобат - бу турли тармоқлардаги товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатдир. Амалга ошириш усулларига кўра икки хил, яъни нархга боғлиқ бўлган ва нархга боғлиқ бўлмаган рақобат мавжуд. Биринчи ҳолда товар ва хизматлар рақибларга қараганда арзонроқ нархларда сотилади. Бу ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқаришнинг барча захираларни қидириб топиш ва улардан фойдаланишга ундайди ва фан-техника тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Нархга боғлиқ бўлмаган рақобат

юқорироқ сифат кўрсаткичларига (ишончлилик, хизмат қилиш муддати, унумдорлик, фойдаланишда хавфсизлик ва ҳоказоларга) эга бўлган товарларни таклиф қилишга асосланади. Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда маҳсулотнинг сифати асосий рақобат кўрсаткичига айланиб бормоқда.

Контракт - самарали кадрлар сиёсатини олиб боришга, раҳбарнинг шахсий қобилиятлари ва касбий кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда унинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги учун барча шароитларни таъминлашга, томонларнинг ўзаро масъулиятини, корхона раҳбарининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояланганлигини оширишга қаратилган меҳнат шартномасининг бир тури. Контракт ёзма равишда тузилади ва корхонанинг раҳбари ҳамда бу корхонанинг раҳбари лавозимига тайинланган шахс томонидан имзоланади. Контракт лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос бўлади, имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва фақатгина томонларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин. Контрактда контрактнинг амал қилиш муддати; контрактни тўхтатиш ва бекор қилиш шартлари; ишлаб чиқариш хусусиятлари, тармоқнинг ўзига хос жиҳатлари ва корхонанинг молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда томонлар зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ижтимоий-маиший ва бошқа шартлар акс эттирилади. Контрактнинг амал қилиш муддати тугагач, томонларнинг келишувига биноан унинг муддати ўзайтирилиши ёки янги муддатга қайтадан тузилиши мумкин. Контрактда кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаса ёки қониқарсиз бажарилса, у муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин. Контрактда кўрсатиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти ва тижорий фаолияти натижалари, унинг даромадларига бевосита боғлиқ ҳолда белгиланади. Бунда раҳбарнинг маоши давлат қонунлари ёки унинг ваколатли органи томонидан кўзда тутилади. Раҳбарни моддий рағбатлантириш тизими хўжалик фаолиятида ўзоқ муддатли ижобий натижаларга эришишга, меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдори билан контракт мажбуриятларининг бажарилишини характерловчи кўрсаткичлар ўртасида бевосита боғлиқлик ўрнатишга қаратилган бўлиши лозим. Контрактда белгиланган маошлар миқдорини ошириш ёки камайтириш шартлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Асосий фондларнинг янгиланиш коэффиценти - йил давомида янги ишга туширилган асосий фондлар қолари тнг фондларнинг келгуси йил охиридаги қийматига нисбати.

Турли муддатлардаги харажатларни келтириш (тенглаштириш) коэффиценти - дисконтлашда қўлланилади. Ўз моҳиятига кўра бу банк фоизи бўлиб, унинг қийматида кутилаётган инфляция қиймати ҳам акс этади.

Асбоб-ускуналар ва машиналарнинг алмашиш коэффиценти - машина ва асбоб-ускуналар иш ҳолатида бўладиган бир суткадаги (чорак, йил ва ҳоказо) сменаларнинг ўртача сони. Алмашув коэффицентининг ортиши машиналардан фойдаланиш интенсивлиги оширади ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, асбоб-ускуналарнинг маънавий ва жисмоний эскириш муддатларини яқинлаштиради. Ҳозирги пайтда қурилиш корхоналарида алмашиш коэффиценти паст бўлиб, 1,1-1,4 дан ошмайди.

Лаг - бир ҳодисанинг иккинчи ҳодисадан вақт бўйича кечиқиши ёки ўзиб кетиш қиймати. Масалан, маблағларни сарфлаш пайти билан улардан самара олиш орасидаги вақт.

Лизинг - мулкнинг вақтинча фойдаланишга берилиши муносабати билан юзага келадиган мулкӣ муносабатлар комплекси. Лизинг шартномаси бўйича ижара берувчи (лизинг берувчи) ўзига тегишли мулкни (масалан, қурилиш техникасини) лизинг олувчига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга (ижарага) беради ёки ижара олувчи (лизинг олувчи) кўрсатган мулкни у кўрсатган сотувчидан сотиб олади ва бу мулкни (қурилиш машиналари, асбоб-ускуналарини) ижарачига тўлов эвазига тадбиркорлик мақсадларида вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга беради.

Лимит - бу моддий-техник таъминот тизимида фойдаланиладиган ресурс кўрсаткичи бўлиб, унинг ёрдамида танқис материаллар ва техник ресурсларни етказиб беришнинг чегаравий миқдори белгиланар, у режалаштирувчи орган томонидан бериладиган фонд ёрлиғи билан мустаҳкамланарди. Бозор муносабатларида ўз аҳамиятини йўқотди. Ҳозирги кунда товар биржалари ва моддий-техник таъминот ташкилотлари улгуржи савдо орқали тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Маркетинг - фирма ёки корхонанинг ишлаб чиқариш-сотиш фаолиятини бошқариш функцияларидан бири. Унинг вазифаси бозорни атрофлича таҳлил қилиб, фирманинг ривожланиши ва келгуси фаолият йўналишини аниқлашдан иборат. Маркетинг талабни ўрганиш ва прогнозлаш, нарх даражасида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан билиш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш ва уни модификациялаш бўйича илмий ва конструкторлик ишларини, рекламани ташкил қилиш ва бошқа бир қатор функцияларни ўз ичига олади.

Моддий-техник таъминот - қурилиш корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликларини хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар, тайёр маҳсулотлар ва конструкциялар билан, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун мўлжалланган техник ресурслар билан таъминлаш жараёни.

Асосий фондларнинг маънавий эскириши - асосий фондларнинг фан-техника тараққиёти натижасида, техник ва технологик янгиликлар, янги машиналар ишлаб чиқилганда, янги материаллар, янги технологик режимлардан фойдаланишга ўтилганда ўзининг дастлабки эксплуатацион хусусиятларини йўқотиши. Натижада ўрнатилган асбоб-ускуналардан фойдаланиш меҳнат, пул ва бошқа ресурс ҳаражатлари фойда келтирмай қўяди, ҳали ўз ресурсини тўлиқ ишлаб тугатмаган асбоб-ускуналарни алмаштиришга тўғри келади. Маънавий эскириш янги маҳсулот турлари ишлаб чиқилганда, уни ишлаб чиқаришга ўтиш асбоб-ускуналарни алмаштириш ёки ўзгартиришни талаб қилганда ҳам юз беради.

Илмий-техник салоҳият - лойиҳа ишланмалари ва ишлаб чиқариш қарорларининг техник савиясини оширишнинг принципиал имкониятлари. Бу қарорларга эришиш, одатда, маълум бир тадқиқотлар ва ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Миллий даромад - йил давомида моддий ишлаб чиқариш соҳасида янги ҳосил қилинган қиймат. Жами ижтимоий маҳсулотнинг уни ишлаб чиқаришга сарфланган барча моддий ҳаражатлардан ташқари миқдори. Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол предметларини ўз ичига олади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини характерловчи умумлаштирувчи кўрсаткич.

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари - қурилиш корхонаси маҳсулотини ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган, аҳолининг ва шу жумладан қурилиш корхоналарининг маиший эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган бино ва иншоотлар: уй-жойлар, маданий-маиший бино ва асбоб-ускуналар, спорт иншоотлари ва ҳоказо.

Янги техника - қурилиш корхоналарининг фан-техника тараққиёти, илғор корхоналарнинг энг янги илмий ишланмалари ва ютуқларидан фойдаланишга асосланган техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳасидаги янгиликлар.

Ишчиларнинг вақт меъёри - тегишли касб ва малакага эга бўлган ишчилар томонидан тўғри ташкилий-техник шароитларда сифатли маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун керак бўлган вақт миқдори.

Иш меъёри - тегишли касб ва малакага эга бўлган ишчилар томонидан тўғри ташкилий-техник шароитларда қандайдир чегараланган вақт оралиғида (соат, смена, кун, чорак ва ҳоказо) ишлаб чиқарилиши керак бўлган сифатли маҳсулотлар миқдори.

Нормативлар - корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини режалаштириш ва меҳнатни меъёрлашда қўлланиладиган иш вақти, моддий, пул ресурслари сарфларини ҳисоблаш қийматлари.

Қурилиш корхоналарининг айланма воситалари - меҳнат предметларига сарфланган ва муомалада бўлган жами пул маблағлари. Айланма воситалар ҳар бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ сарфланади, қурилиш корхонасининг маҳсулотига айланади ва бу маҳсулот сотилганда қайта тикланади.

Айланма фондлар - қурилиш корхонасининг материаллар, буюмлар, конструкциялар, арзон ва тез эскирадиган асбоб-ускуналар ва хўжалик анжомлари захираларига; қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш жараёнида бўлган маҳсулотга (тугалланмаган қурилиш); самараси фақат келгуси даврларда кутилаётган ҳаражатларга сарфланган пул маблағлари.

Асосий фондлар - моддий ишлаб чиқариш соҳасида ва ноишлаб чиқариш соҳасида ўзоқ муддат амал қилаётган жами моддий-буюм қийматлари. Асосий фондлар ўз хизмат муддати давомида ишлаб чиқариш жараёнида ўзларининг дастлабки моддий шаклини сақлаб қолган ҳолда кўп марталаб иштирок этадилар, аммо эскирган сари ўз қийматини амортизация ажратмалари аппарати орқали тайёр маҳсулотларга ўтказиб боради.

Асосий фондларни баҳолаш - асосий фондларнинг хизмат даври (дастлабки ва тиклаш даври) ва уларнинг ҳолатига (тўлиқ ва қолдиқ) қараб амалга оширилади. Режалаштирилаётган муддат охиридаги қиймат - шу муддатнинг бошидаги ҳолат билан унинг кўпайтирилишининг йиғиндиси ва шу муддатдаги ҳисобдан чиқарилишининг айирмасига тенг. Асосий фондларни

дастлабки қиймат бўйича баҳолаш - уларни қуриш ёки етказиб бериш ва ўрнатиш шарти билан сотиб олиш ҳаражатларидир. Асосий фондларнинг тиклаш баҳоси - жорий даврдаги нархлар даражасин. Бир тармоқР такрор ишлаб чиқариш (тиклаш) қиймати. Асосий фондларнинг қолдиқ баҳоси - дастлабки қийматнинг эскиришдан ташқари қисми; бу асосий фондларнинг ҳали маҳсулотга ўтказилмаган қийматидир.

консервация - асосий воситалар ёки қурилиши тугалланмаган объектларнинг тегишли қарор билан белгиланадиган даврда сақланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, бу давр тамом бўлгач улардан фойдаланилиши ёки қурилиш давом эттирилиши керак;

қайтадан бошлаш - консервация қилинган асосий воситаларни фойдаланишга топшириш ёки консервация қилинган объектлар қурилишини тугаллаш ишлари бошланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

тугалланмаган қурилиш - қурилиши тугалланмаган объектда сарфланган амалдаги ҳаражатлар;

дастлабки қиймат - асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қурилишни охирига етказиш) ёки сотиб олиш учун амалдаги ҳаражатлар қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек келтириш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш ҳаражатлари ҳамда активлардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уларни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар қандай бошқа ҳаражатлар;

қолдиқ қиймат - жамланган амортизация суммаси чиқариб ташланган ҳолда асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати, улар бўйича актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилади.

Тадбиркорлик - фуқаролар ва фуқаролар бирлашмасининг даромад олишга қаратилган мустақил ташаббускорлик фаолияти. Тадбиркорлик фаолияти фуқаролар томонидан таваккалчилик асосида, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли билан белгиланадиган чегаралардаги мулкый жавобгарлиги доирасида амалга оширилади.

Қурилиш корхонасининг маҳсулоти - қурилиш корхонасининг фаолияти натижасида ҳосил қилинган моддий қийматлар.

Лойиҳа - қурилиши режалаштирилган бино, иншоот ва уларнинг мажмуаси тўлиқ характерланган техник ҳужжатлар мажмуаси; чизмалар, тушунтириш хатлари ва сметадан иборат.

Қурилишни ташкил қилиш лойиҳаси - қурилиш объекти лойиҳасининг таркибий қисми бўлиб, қурилишнинг умумий муддатини, қурилишнинг оралиқ муддатларини, капитал қўйилмалар ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг тақсимотини, моддий-техник ва меҳнат ресурсларини, уларнинг манбаларини, қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг асосий усулларини ва объект қурилишнинг бошқарув тузилмасини белгилаб беради.

Ишларни амалга ошириш лойиҳаси қурилиш-монтаж ишларинининг технологиясини, бажариш муддатларини ва ресурслар билан таъминлаш тартибини белгилаб беради. У бино ва иншоотларнинг турли қисмларини қуриш билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилишда асосий

рахбар ҳужжатдир. У қурилиш объекти лойиҳасининг бир қисми бўлмай, балки қурилиш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилади.

Қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш қуввати - қурилиш-монтаж ишларининг ташкилот тасарруфида бўлган ишлаб чиқариш фондларидан тўлиқ фойдаланилган тақдирда, белгиланган ихтисослашув ва иш режимида мос равишда ҳамда қурилиш ва уни ташкил қилиш технологиялари ва илғор усуллардан фойдаланилганда бажарилиши мумкин бўлган максимал йиллик иш ҳажми (қиймат ифодасида) .

Меҳнат унумдорлиги - меҳнат сарфларининг самарадорлиги. Ишчи томонидан вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорида ёки иш вақтининг маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган миқдорида ифодаланади.

Ишлаб чиқариш захиралари - ташкилотлар, корхона ва хўжаликлар айланма фондларининг бир қисми. Ўз ичига олади ишлаб чиқаришда истеъмол қилишга мўлжалланган, аммо ҳали ишлаб чиқариш жараёнига киритилмаган меҳнат предметларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш - янги цехлар қуриш янги қурилиш-монтаж бошқармаларини ташкил қилиш, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларни қайта ташкил қилиш, бўлинма ва филиаллар ташкил қилиш ва бошқа мавжуд ишлаб чиқариш қувватларига тааллуқли бўлмаган чоратadbирларни амалга ошириш орқали ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш.

Корхоналарни қайта таъмирлаш - асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган цех ва объектларни ишлаб чиқаришни фан, техника ва илғор ишлаб чиқариш ютуқларидан фойдаланиш асосида такомиллаштириш мақсадида қайта таъмирлаш.

Иқтисодий риск - хўжалик ва молиявий фаолият натижасида реал хўжалик ёки молиявий вазиятнинг кўзланган ёки прогноزلанган ҳолатидан четлашиш натижасида юзага келадиган салбий натижалар (зарарлар) кўриш эҳтимоли.

Бозор - ҳолатда мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий тузилишга эга бўлган товар айирбошлаш соҳаси, бозорда товар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан истеъмолчи (харидор) ўртасидаги ўзаро муносабатлар эркин келишувга асосланади ва иккала томоннинг манфаатларидан келиб чиқади.

Бозор муносабатлари - айирбошлаш соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи, товарларнинг реализация бозор муносабатлари орқали амалга оширилади. Бозор механизмининг асосий элементлари - талаб ва таклиф.

Бозор нархлари - товарларнинг (ишлар, хизматлар) бозор қийматининг пуллик ифодаси, шу турдаги товарларнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришга кетадиган ҳаражатларни акс эттиради. Бозор нархлари асосан товар ва хизматлар бозоридаги талаб ва таклифнинг таъсири остида юзага келади ва товарни (хизматни) ишлаб чиқариш нархи атрофида ўзгариб туради.

Хусусий айланма воситалар - қурилиш корхоналарига улар ташкил қилинганда берилган айланма воситаларнинг бир қисми. Улар асосий ишлаб чиқариш фондлари билан бирга низом фондини ташкил қилади.

Жами даромад - жисмоний шахсларни солиққа тортишда қўлланиладиган тушунча, даромаднинг барча турларини ифодалайди.

Боғлиқ капитал қўйилмалар - тармоқдаги янги қурилаётган ёки қайта таъмирланаётган корхона билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган ҳамда уни қуриш (қайта таъмирлаш) туфайли ривожлантириш талаб қилинадиган капитал қўйилмалар.

Стандартлаштириш - стандартларни белгилаш ва қўллаш жараёни. Стандарт - бошқа шунга ўхшаш объектларни таққослаш учун керак бўладиган намуна, эталон, моделдир. Меъёрий-техник ҳужжатлардаги стандартлар стандартлаштирилаётган объектга қўйиладиган ва бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий талаблар, қоида ва шартлар мажмуасини белгилайди.

Қурилиш майдончаси - қурилаётган объектни қуриш учун зарур бўлган асосий иншоотлар, ички йўллар, тармоқ ва коммуникациялар жойлашган ҳудуд.

Қурилиш корхонаси - қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи, илмий, тажриба, тадқиқот ва лойиҳа ишларини амалга оширувчи, хом ашё ресурсларини казиб олиш, уларни қайта ишлаш, материаллар, буюмлар ва конструкциялар тайёрлаш, барча турдаги бино ва иншоотларни қуриш, транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона.

Қурилиш ташкилотлари - бино ва иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш, капитал таъмирлаш, асбоб-ускуналарни монтаж қилиш билан шуғулланувчи қурилиш корхоналари. Асосий ташкилий шакллари: трестлар, комбинатлар (бирлашмалар), қурилиш бошқармалари (қБ), қурилиш-монтаж бошқармалари (ҚМБ), кўчма механизациялашган колонналар (КМК). қурилиш ташкилотлари бош пудратчи ёки қуйи пудратчи бўлиши ҳам мумкин.

“қулф-калит” қилиб қуриб бериш - бош пудратчининг шартномада кўзда тутилган ва буюртмачига тўлиқ якунланган ва жиҳозланган объектни топшириш ҳақидаги мажбуриятлари, буюртмачи объектнинг тўлиқ қийматини уни қабулқилиб олгандан сўнг тўлайди.

Тариф тизими - турли малакага эга бўлган ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашдаги тафовутларни белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуаси - тариф ставкалари, тариф жадваллари, ягона тариф-малакавий ва тармоқ маълумотномалари, меҳнатда эришилган нақд ютуқлар учун ёки одатдаги меҳнат шароитларидан четлашилганда тўланадиган тариф ставкаси қўшимчалари.

Техник-иқтисодий асослаш - техник-иқтисодий кўрсаткичларни (ТИК) аниқлаш ва уларни таққослаб кўриш йўли билан лойиҳа ёки ишлаб чиқариш ҳақидаги қарорни танлашни асослаб бериш. ТИА асосида ТИК энг яхши бўлган вариант танлаб олинади.

Корхоналарни техник қайта жиҳозлаш - қайта таъмирлаш элементларидан бири, участкалар, цехлардаги асосий фондларнинг фаол қисмининг техник ва иқтисодий даражасини юксалтиришга, янги техника,

технологиялар, янги материаллар ва энергетика ресурсларидан фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Солиштирма капитал қўйилмалар - қурилиш маҳсулотини ўлчашнинг натурал бирлигига келтирилган капитал қўйилмалар. Натурал birlik сифатида буюмлар ва конструкциялардаги бетоннинг m^3 лардаги ҳажми, ишга туширилаётган объектнинг m^2 лардаги майдони ёки m^3 лардаги ҳажми, объектнинг маҳсулотни ўлчаш birlikларидаги қуввати ва ҳоказолар олиниши мумкин. Солиштирма капитал қўйилмалар қурилиш объектини лойиҳалашдан аввал капитал қўйилмаларнинг миқдорини аввалдан аниқлаш учун фойдаланилади. Солиштирма капитал қўйилмаларнинг қиймати статистик маълумотлар бўйича ёки қурилиши кўзда тутилаётган объектга ўхшаш бошқа объект бўйича олинади.

Янгиликларни бошқариш - инновация жараёнига объектив қонуниятларни ҳисобга олишга асосланган ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳолда комплекс таъсир кўрсатиш. Учта асосий элементни - янгиликларни бошқариш, корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш ва янгиликларни ўзлаштириш жараёнини бошқаришни ўз ичига олади.

Лойиҳани бошқариш - лойиҳа олдига қўйилган мақсадларга эришишни таъминлаш мақсадида лойиҳа элементлари ўртасидаги алоқаларни аниқлаш, белгилаш, бошқариш ва ривожлантириш.

Факторинг - савдо-комиссия операцияларининг миқдорининг айланма капитални кредитлаш билан бирга амалга ошириладиган бир тури; миқдорининг дебиторлик қарзини инкассалаш, кредитлаш ҳамда кредит ва валюта бозорларидан (банк, биржа, инвестиция фонди ва бошқа кредит институтлари) кафолатни ўз ичига олади.

Меҳнатнинг фонд билан жиҳозланганлиги - асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир ишчига тўғри келадиган миқдори. Меҳнатнинг фонд билан жиҳозланганлиги ортиб борган сари, меҳнат унумдорлигининг ўсиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келади.

Қурилишнинг фонд ҳажми - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва қурилиш-монтаж ишлари birlikлиги ҳисобидаги, пуллик ифодадаги миқдори.

Муомала фондлари - қурилиш корхонасининг тасарруфида (жорий ҳисоб рақамида) доимий бўладиган; муомалада бўладиган; тайёр маҳсулотга айлантирилган, аммо ҳали ҳаридор томонидан тўланмаган; тўловларни расмийлаштириш жараёнидаги пул маблағлари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг икки шакли - ишбай ва вақтбай турлари бор. У ёки бу шаклдан фойдаланишда қурилиш ишлаб чиқаришининг муайян шарт-шароитларидан келиб чиқилади.

Ўзгалик механизми - такрор ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солишнинг шакл ва усуллари мажмуаси. Моддий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий ҳодисалардаги объектив мавжуд бўлган барқарор сабаб-оқибат алоқалари ва ўзаро боғлиқликларни акс эттирувчи иқтисодий қонунлар

асосида шаклланади. Ишлаб чиқариш муносабатлари тизими, ишлаб чиқариш кучлари ва жамиятдаги устқурманинг ўзаро таъсирларини воситалайди.

Қурилиш иқтисодиёти - қурилиш тармоқларидаги ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг ишлаб чиқариш кучлари билан ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирлашувини ўрганувчи иқтисодий фан.

Қурилишнинг энергия билан жиҳозланганлиги - қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари двигателлари қувватлари йиғиндисининг бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг қиймат ифодасига нисбати.

Меҳнатнинг энергия билан жиҳозланганлиги - қурилиш ташкилотидаги асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган бир ишчи меҳнатининг электр двигателлар ва электр аппаратлар қуввати билан жиҳозланганлик кўрсаткичи.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.// Халқ сўзи, 12 апрел 2005 й.
2. Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизмати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 6 –илова
3. «Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ». Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарорига илова
4. «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Президентининг фармони 06.05.2003 й., № Пф-3240
5. «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 12.09.2003 й. № 395
6. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир НАМУНАВИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 3-илова
7. «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 03.07.2003 й. № 302
8. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисида НИЗОМ» Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорига илова
9. «Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 24.10.2003 й.
№ 463

10. «Объект муддатида илгари фойдаланишга топширилганлиги ва шартнома қийматига нисбатан маблағлар тежалганлиги учун пудратчи ташкилотни буюртмачи томонидан мукофотлаш ТАРТИБИ». Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 135-сон қарорига илова
11. «Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига қуришда ягона буюртмачи хизмати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ». Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 6 –илова
12. «Ўзбекистон республикасининг 2005 йилги инвестиция Дастури тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 30.11.2004 й. № 560
13. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 4-илова
14. «Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 24.10.2003 й. № 463
15. «Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ». Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 6б-илова
16. «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ». Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 2-илова.
17. Пудратчи қурилиш ташкилотлари учун қурилиш техникаси ва асбоб-ускуналарини сотиб олишга йўналтирилаётган маблағларга солиқ солиш базасини камайтириш қисмида даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасининг 2003 йил 14 октябрдаги 117-сон, 2003-70-сонли ва 5-сонли қарори билан тасдиқланган.
18. «Капитал қурилишда ижара ва лизинг хизматлари тизимини жорий этиш тўғрисида». Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 23.10.2003 й. № 462.
19. «Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ». Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарорига илова
20. Ўзбекистон республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 02.12.2003 й. № 538
21. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тўғрисида НИЗОМ. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 4-илова

22. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительства. Учебное пособие—Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004.
23. Экономика строительства: Учебное пособие для вузов / Под ред. Ю.Ф. Симионова. - Москва: ИКЦ «МарТ», Ростов - н/Д: Издательский центр «МарТ», 2003. - 252 с
24. Расулов Н.Н. Стимулирование привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистан. —Т.: Фан, 2003.
25. Абрамов С.И. Организация инвестиционно-строительной деятельности - М.: Центр экономики и маркетинга, 1999
26. Гуртов В.К. Инвестиционный ресурс. — М.: Экзамен, 2002
27. Экономика строительства: Учеб. пособ. для вузов.- Ростов-на-Дону: Феникс, 2003
28. Чернов В.А. Инвестиционная стратегия. Учебное пособие. — М.: ФНИТИ-ДАНА, 2003..
29. Богатин Ю.В., Швандар В.А. Инвестиционный анализ. Учебное пособие для вузов. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
30. Инвестиционные процессы в условиях глобализации.- М.: ТЕИС, 2002
31. Основные показатели уровня развития малого и среднего предпринимательства в республике Узбекистан за 2002 год. Статистический сборник.-Т.; ТДИУ, 2003. —52 с.
32. С.В.Валдайцев, П.П. Воробьев и др. Инвестиции. Учебник /Под ред. В.В. Ковалёва, В.В. Иванова, В.А. Лялина - М.: ТК Венби, Изд-во Проспект, 2003
33. Гуртов В.К. Инвестиционный ресурс. — М.: Экзамен, 2002
34. Экономика строительства: Учеб. пособ. для вузов.- Ростов-на-Дону: Феникс, 2003
35. Вахрин П.И. Инвестиции: Практические задачи и конкретные ситуации. Учеб. пос. —М.: «Дашков и К», 2003.
36. Евсанко О.С. Шпаргалка по инвестициям. Учеб. пособие. - М.: ТК. Велби, 2004
37. Самарходжаев Б. Инвестиции в Республике Узбекистан: (Международно-частно правовой аспект). Т.; Академия, 2003.
38. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес - планирование. Учебное пособие—Т.: <http://www.textbook.ru/catalogue/book/16394.html>
39. http://normativ.su/product_info.php/products_id/10
40. <http://www.shop4.ru/goods25054835.htm>
41. <http://eup.kulichki.com/Catalog/20-400.htm>